*Она ҳақида сўз*

# ЭНГ БУЮК ҚЎШИҚ

**Бугун минг бир азобни биз учун бўйнига олган, ҳаётининг шамчироғи, умрининг мазмуни деб билган, муҳтарама, муниса, мушфиқ, меҳрибон, энг азиз инсон ҳақида сўз очмоқликка журъат топдик.**

**Маълумингизким, Онажонларимиз ҳақидаги ширин калому, миннатдорчиликларимиз уларнинг бир меҳрли боқишлари, бир кечалик бедорликларига арзимас. Уларнинг меҳр-муруввати, куч-қудратини ўлчамоқлик ақл бовар қилмас юмушдир. Биз фарзандлар волидаи муҳтарамаларимизнинг фазилатларини тарозуга солишдан йироқмиз. Қоғозга тўкилаётган сўзларимиз эса фарзандлик муҳаббати рамзидир. Муҳтарама зотларга берилган таъриф ул улуғ сиймоларнинг беназир меҳрларининг томчиларга чизгилардир, холос. Зеро, оналар ҳақидаги ҳар қандай калом ҳам мукаммал бўлмас.**



Бу сатрларни ёзишга кўп тараддуд кўрдим. Маълумот тўплаш, далилларни тартибга келтириш учун эмас: балоғат ёшимга етибманки, шу ҳақда ўйлайман, қайта-қайта идрок этаман. Ўзимни шу дақиқага — онам ҳақида ёзишга тайёрлайман. Лекин ҳар гал қўлимга қалам олиб, ёзишга чоғланганимда, жумла тузишга ожизлик қилгандек бўламан. Онамга таъриф бериши лозим бўлган сўзлар заиф, жонсиздек, жумлалар дағалдек, фикрлар саёздек кўринарди. Аслида ҳам шундайдир.

Икки қиз, икки ўғилга умр бериб ҳаётини уларга бахшида этган онамиз Ҳафия Муҳамедовада мен аввало сўнмас ирода кўрдим. Севган санъати билан муттасил шуғулланишдан, ижод этишдек бахтдан воз кечган, ўн саккиз ёшдаги гўзал қизидан жудо бўлиб фарзанд доғида қолган, лекин кучли иродаси туфайли умр йўлдоши Илёс Акбаровнинг оддий талабадан профессорлик, санъат арбоби даражасига кўтарилиши учун, фарзандлари педагог, муҳаррир, олим бўлиб етишиши учун хизмат қилиб келаётган садоқатли рафиқа, меҳри дарё она ҳақида ёзиш учун сеҳрли бир қалам, қоғознинг энг покизаси, сўзларнинг энг жозибалиси, гўзали керак бўлди.

Тараддуд шу боисдан ҳам чўзилиб кетди. Ниҳоят, қанчалик тайёрланмай, онамнинг меҳр-муҳаббатини, фидойилигини,ижод бобида кўрсатган жасоратини мукаммал ёзишга, ёритишга ожиз эканлигимни англадим. Қалам соҳиблари оналарига берган ўз таърифларидан қониқишига ҳам шубҳа қилдим. Ниҳоят, онамнинг рўмолидек оппоқ қоғозни бисотимдаги сўзлар билан қоралашга ботиндим.

Тоғ ёнбағрига жойлашган Паркент қишлоғини эрта кўкламда ошиб-тошиб оқадиган сой иккига бўлиб ўтади. Қиш чилласи чиқиб, тоғ-адирлардаги қор қатламлари эрий бошлайди. Қуёш нури атроф-муҳитни зулматдан ҳоли этибгина қолмай аста иситар, сўнгра қизита бошлаган сари жилғалардан, ирмоқлардан анҳорлар пайдо бўлур, Паркентнинг сойига ҳайқириб сел келар, тошу дарахтни, жониворларни ўз домига тортиб, судраб, оқизиб, ваҳима соларди.

Ҳафия — ўша дамларда шўх қизалоқ — дугоналари билан гузар томон чопар, қўл кучи билан ҳар йили барпо этиладиган кўприк яна вайрон бўлишидан хавфсираб, сув оқимига тўғаноқ бўлсин деб харсанг тошларни ирғитаётганларни кўриб, уларга меҳри ошарди. Худди шу деҳқонлар эрта-индин ток очар, қайта-қайта хомток қилар, чопар, суғорар, ҳосил олар, мағиз солар... Айниқса, опаларининг уйдаги, токзорлардаги ғалла, ҳашак ўримидаги оғир меҳнатини кўрган қизалоқ уларга кўмаклашишга ошиқарди. Билак кучи билан эмас, куй оҳанглари билан мадад беришни орзу қиларди. Аслида ҳам шундай бўларди. Нимчасининг жажжигина чўнтагидан чангни олиб чала бошлаганида уни ҳамма ўраб олар, тингларди. «Созанда» эса бир парча темирдан ясалган чангни бармоқлари билан чертиб, қандайдир сирли нафас билан бир-биридан чиройли ёқимли оҳанглар таратарди. Синглиси кеча-кундуз чангда машқ қилишини кўрган меҳрибон ака (Руҳниддин) унга чиройли дутор ҳадя қилди. Биринчи куй «Вақ-вақа тўрам» бўлди, сўнгра «Тановор...» Дуторчи қизларнинг довруғи қишлоққа, яйловлардаги чўпон ва ғаллакорларнинг чайлаларига тарқалди.

Эсимни танибманки, уйимизда гоҳ фортепиано, гоҳ дутор чалинишини, куйлар хиргойи қилинишини, мусиқа ҳақида суҳбатлар бўлишини биламан. Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Манас Левиев, Мутаваккил Бурҳонов, Фазлиддин Шамсиддинов хонадонимизнинг доимий меҳмонларидан эди. Менда мусиқа басталашга ёки ижро этишга жиндек лаёқат бўлганида, композитор ёки мусиқашунос бўлишимга шароит бор эди. Дадамиз Илёс Акбаров ҳаттоки дутор,ва кичкина танбур ясатиб олиб келиб берганларида ҳам уч-тўрт кунлик чертишдан нарига ўтмаганман. Онамиз эса, аксинча қулай шароит мавжуд бўлмаса-да, аввалари қўлда ясалган оддий чанг, сўнгра пардаларига садаф таралган дутор чалишни мустақил — бирор устозсиз ўрганганликларига қаранг! Шу боисдан эндиликда барчанинг тилида ва дилида бўлиб қолган машҳур Зебуннисо мактабининг 5-синфини муваффақият билан якунлаган 15 ёшдаги Ҳафия Муҳамедова ўзини мусиқа техникуми қучоғига отди. Мусиқа усталари В. А. Успенский, Е. Е. Романовскаялар раҳбарлигида мусиқадан савод чиқарди, гармонизация сирлари ва ўзбек, рус, Ғарбий Европа мусиқа тарихи, назариясини ўрганди. Уйда, давра суҳбатида онамиз ўша унутилмас дамларни эслаб шундай дердилар:

— Мусиқа техникуми деб аталмиш ўша эскигина бино олдидан ҳеч ўтиб кета олмасдим. Мусиқа тароналари мени сеҳрлаб қўярди гўё. Гоҳ дутор, гоҳ танбур, гоҳ фортепиано овозлари биз ўтаётган тор кўчага эшитилар, баъзан эса улар бир-бирига жўр бўлиб, ягона куйни ташкил этарди. Шунда ўз-ўзимдан куйлагим, рақс тушгим келарди. Айниқса айрим оҳангларни ўзимча қайта басталаб, бойитиб, янгича жило бериб, ижро этсам дердим. Ўша техникумнинг йўлагида, деразаси ёнида соатлаб туриб қолардим... Қандай бахтли одамлар ўқийди бу даргоҳда деб ҳавас билан болахонага, ҳовли ичкарисидаги хоналарга қарардим...

Техникумда ўтказилган йиллар самарали бўлди. Талабалар оҳангни нотага кўчиришни ва аксинча нотага қараб оҳангни ижро этишни ўргандилар, мусиқа басталаш сирлари билан танишдилар, халқ куйларини таҳлил қилиш йўлларини амалда кўрдилар. Шу тариқа ҳаваскорликдан профессионал санъатга қадам қўйилди. Ана шу билимни мусиқа ҳаваскорларига етказиш учун Ҳ. Муҳамедова мусиқа мактабларида дарс ҳам бера бошлаган. 1932 йили эса техникумнинг иккинчи курсини тамомлагач, бўлажак турмуш ўртоғи Илёс Акбаров билан қўшиқларни нотага олиб, китоб ҳолига келтириш ва мусиқа ихлосмандларига тақдим этиш билан банд бўлдилар. Республикада илк бора мусиқа-этнографик экспедиция ташкил этила бошлаганида В. Успенский ва Е. Романовская ўз шогирдлари Илёс Акбаров ҳамда Ҳафия Муҳамедовани таклиф этгани бежиз эмас. Онамиз Ленинград консерваториясида машҳур Б. В. Асафьев раҳбарлигида таҳсил кўрган, ўзбек, туркман халқ куйларини ўрганган, уларга меҳр қўйиб ёзиб олишга тиришган Романовская билан бирга Андижонда истиқомат қилган Лутфихоним Саримсоқовадан 24 ашулани, 19 ёшли Мукаррама Азизовадан 5 ашулани, шунингдек ўшлик ўқитувчи, колхозчи аёллардан, марғилонлик профессионал санъаткорлардан ҳамда тикувчилардан ўнлаб ашулаларнинг ёзиб олинишида иштирок этдилар. Мазкур экспедиция ўз олдига ашулаларни Фарғона хотин-қизларидан ёзиб олишни мақсад қилиб қўйишининг сабабларини онамизнинг устози бундай изоҳлаган эди: «Ўзбек аёлларининг қобилиятлари ўткир, улар орасида истеъдодли хонандалар, раққосалар бор».

Ўша экспедициянинг машаққатли айни бир вақтда, завқли дақиқалари муҳрланган фотосуратларни кўрганимда ҳар гал мени ҳаяжон қучади: гилам ёзилган катта сўрининг бир четига кўрпа-кўрпачалар тахлаб қўйилган. Олдинда қўшиқ суръатини белгилашга ёрдам берадиган асбоб-метроном. Парда тутилган дераза фонида Романовская. У тунука патнисга катта қоғозни қўйиб ноталарни чизиқлар орасига жойлаштирмоқда. Унинг чап томонида дўппи, оқ кўйлак кийган 27 ёшли Лутфихоним Саримсоқова дутор чертиб, ашула айтишга ҳозирлик кўрмоқда. Олдинда эса оқ кўйлак устидан костюм кийган, рўмол ўраган Ҳафия Муҳамедова бир неча дафтар (эҳтимол китобдир) устига қоғоз қўйиб диққат билан нималарнидир ёзаётган олам-олам фикр уйғотади. Овоз ёзадигани ҳамда эшиттирадиган аппарат-фонограф у ёқда турсин, стол ёки хонтахта бўлмаган дамларда ҳам авлод-аждодларга қолиши зарур бўлган ранг-баранг қўшиқларнинг куйи, сўзи қоғозга муҳрланиши водийни узоқ яёв кезишни, фидойиликни, жасоратни талаб этарди.

Жасорат деб бекорга айтмадик.

— Бир куни Ўш шаҳрида ишлаб юрган кезларимда дам олиш мақсадида экспедиция аъзолари Ўш тоғига чиқишга қарор қилишди. Мен қўшиқлар матнини тартибга келтириш ниятим борлигиданми, чарчаганимданми, ҳар қалай уйда қолишга аҳд қилдим... Ҳамма кетди, бир ўзим қолдим,эшикни танбаладим. Ичкарида бироз юмушим билан банд бўлдим. Кейин айвонга чиқиб дафтарларимни варақлай бошлаган эдим, кимнингдир оёқ шарпасини илғагандай бўлдим. Ҳовлига қарасам ҳеч ким йўқ.Эшик ёпиқ. Кўзим томга тушди: узун тўн кийган марғилонча дўппилик бир киши чироқ ушлаган ҳолда ҳовлимизга тушишга қулай жой изламоқда. Уйнинг деворлари пастаккина эканлигини эндигина пайқадим... Нима қилиш керак? Ичкарига кирсам, эшикни бир тепиб бузади... бирдан бир йўл — одамлар олдига чиқиш. Югуриб бордиму дарвозани очиб, ўзимни кўчага отдим. Шундай қилиб, қутулиб қолдим. Шу куни мен олдимдаги биринчи довонни — қўрқувни босиб кетдим, — ҳикоя қиладилар онамиз.

30-йилларнинг ўрталарида қувончли воқеалар содир бўлди: Ҳафия Муҳамедова ва Илёс Акбаров — бир-бирига кўнгил қўйган ёшлар турмуш қуриш арафасида аспирантуранинг тайёрлов курсига қабул қилиндилар. Тўнғич фарзандга Холида исми берилди. Опам ҳаётида 18-баҳор сўнгги бўлди... Оилавий ҳаётнинг ўзига яраша ташвишлари, баъзан зиддиятлари ҳам бўлар экан. Ҳар қалай, композитор сифатида 30-йиллардаёқ танилган Ҳафия Муҳамедова ижодининг кейинги босқичларида 20 га яқин қўшиқларгина яратилди. Улар тўпламларга кирган, радиода, телевидениеда, дуторчи қизлар ансамбли концертларида айтилиб келмоқда. Ваҳоланки, истеъдодини ёшлигида, ҳали мусиқа саводини чиқармаган палладаёқ намойиш этган ижодкорнинг малакаси ҳақида маданиятимизнинг жонкуяр арбоби, олим ва композитор В. Успенский ҳам айтган эди. Унинг хонадонига ота-онам билан меҳмонга борганимизда мени ишхонасига олиб кирган ва пианино ёнидаги китоб жавонига ишора қилиб «Исмингнинг маъносини биласанми? Билмасанг мана бу китобдан билиб ол. Яхшиси уйга борганингда отангдан сўра, айтиб беради. У билимдон жуда. Онанг ҳам истеъдодли. Фақат куй басталабгина қолмай, уни пухта гармонизация қилишни ҳам билади. Халқ куйларининг хусусиятларини жуда яхши билади, тушунади. У ўзбек аёлларидан чиққан биринчи композитор бўлади. Қадрланглар уни», деб меҳр билан гапиргани ёдимда.

Шундай истакларни эсласам, Москвада ва Тошкентда чоп этилган китобларда онамнинг мусиқаларини учратсам, ўйга ботаман: она фарзандларини ўстириши ва айни вақтда ижод завқидан тўла-тўкис баҳраманд бўлишга эришиши қанчалик оғир. Бунинг устига ижодкорларга (жумладан санъаткор аёлларга бефарқ қаровчилар, баъзан эса уларни рақиб билиб) сунъий тўғаноқлар яратадиганлар ҳам бўлади. Онамиз бу ҳақда ўйламаганлар. Улар меҳрини фарзандларига, севган касбларига аямай сарфладилар... Шунда биз фарзандлар онамиз ёзган ва дуторчи қизлар ансамбли ижро этаётган қўшиқларни тинглаб, завқланиб, тўлқинланиб, эзгу, самимий ҳис-туйғуларимизни яна бир бор изҳор этгимиз келади. Бу қўшиқлар қатида нафақат онамнинг, балки барча оналарнинг, барча ўзбек аёлларининг мунис қалби янграйди.

Ҳа, онанинг ўзи — энг буюк қўшиқ.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

***СУРАТДА: (чапдан) Елена Романовская, Лутфихоним Саримсоқова ҳамда Ҳафия Муҳамедова.***

*(Сурат 1930 йили олинган.)*

*Ёднома*

# КИМДИР ЕЛКАСИНИ ТУТГАН ЙЎЛИМДА



Саида опани ўша ҳусну одоби, малоҳати, аёлларга хос назокати, майин сеҳрли овози ва ниҳоят ўша камтарлиги ўзига ярашиб турадиган шоира Саида Зуннуновани миннатдорлик билан эслайман.

Саида опа шеър ўқиганларида бутун олам тин олиб, у кишини тинглаётгандек бўларди. У киши ҳеч зўриқмай, жуда майин ва ширали овозда ҳар бир сатрни дона-дона қилиб талаффуз қила олишлари, шу сатрларни ўқувчи қалбига муҳрлаётгандек бўларди.

**Кимдир елкасини тутган**
**йўлимда,**
**Кимларнинг меҳнати**
**очган кўзимни.**
**Кимларнинг қалбига,**
**ишига боқиб,**
**Ойнадан равшанроқ**
**кўрдим ўзимни.**

У кишининг ўзи каби майин, оташнафас шеърлари, достонлари, қўшиқлари, қисса ва ҳикоялари, Саида опанинг ўзи ҳақидаги хотиралар бир умр қалбимга ошно, бир умрга нақшланиб қолган.

Саида опа билан бир-икки бор учрашганман, холос. Аслини олганда Саида опа бир марта мени ҳимоя қилганлар. Ҳимоя қилганда ҳам шеъриятга бўлган меҳрим, ошуфталигимни, ошнолигимни қатъиятга айлантириб, ҳимоя қилганлар. Бир оғиз ширин сўз... баъзан олам-олам зебу-забардан ҳам аълороқ эканлигини дил-дилимдан англайман. Табиийки, ўша пайтда мен Саида опани ҳали яхши танимас эдим...

Олтмишинчи йилларнинг ўрталари эди. Яхши ва ёмоннинг фарқига бормайдиган ўсмир йигитча эдим. Илк шеърларим матбуот юзини кўра бошлаган палла. Кўнгилда фақат бир иштиёқ... у ҳам бўлса фақат яхши шеърлар ёзиш иштиёқи ҳукмрон. Ўша даврда катта шоирлар томонидан ёш ижодкорларга «Оқ йўл» тилаб, газеталарда эълон қилиш русум бўлган кезлар эди.

Шеърларимни саралаб, нене машаққатлар билан оққа кўчиртириб, Хадича Сулаймонова кўчасидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жойлашган бинога бордим. Бу ерда мени Ёзувчилар уюшмасининг ўша даврдаги маслаҳатчиси шоир Азиз Абдураззоқ кутиб олдилар. Азиз аканинг ўзига хос янгроқ шеърлари биз ёшлар орасида қўлма-қўл эди. Кўпчилик тенгдошларим қатори мен ҳам Азиз акадан «Оқ йўл» ёздириб олишга иштиёқманд эдим чамаси.

Орадан ўн кунлар ўтиб, яна Азиз аканинг ҳузурларига бордим.

— Ашъорларингни Абитой Туримбетовга бергандим. Тақдирингни ўша киши ҳал қилади, — деди Азиз ака ишдан бош кўтармай.

Абитой ака деганлари паст бўйли, дўмбоқ бир киши экан. У киши зарур иш билан банд эканми, билмадим дабдурустдан: — Ука, шеърларингиз ҳали хом, бўлмайди. Яхшиси бошқа ишнинг бошини тутинг. Ортиқ бошимизни оғритиб юрманг, — деди шеърларимни қўлимга тутқазар экан.

Гарангсиб қолгандим. Қўлимдаги қоғозларга беихтиёр разм солдим. Унинг ҳошиясига шундай сўзлар битилганди:

«Почча! Шу шоирнинг жавобини бериб юборарсиз. Кўп бошни қотирмасин. А.Азиз».

Абитой акага ўшанда нималар деганим ҳозир ёдимда йўқ. Қилган меҳнатларим кўз ўнгимда саробга айланиб бораётганди.

Шунда кимдир тирсагимдан оҳиста ушлади. Ортимга ўгирилдиму.. сочлари силлиқ таралган, ўрта ёшлардаги кулча юзли, жилмайиб турган аёлни кўрдим. Ўша топдаги ҳолатимни тасвирлаб беролмайман. Бирдан қаҳру ғазабим қаергадир йўқолди-ю, унинг ўрнини умидворлик ҳисси эгаллади... Бу киши шоира Саида Зуннунова эканлигини кейинроқ билдим.

— Укажон, ҳеч куюнманг, қани шеърларингизни менга беринг-чи, — деди майин овоз билан мени эркалагандек бўлиб. Саида опа тик турганича шеърларимни ўқиб чиқди. Сўнгра икки-учтасини ажратиб:

— Мана шу шеърлар менга ёқди, газетага олиб борсангиз, албатта чоп қилишади, — дедилар эшиккача кузатаркан.

Кўнглим тоғдек кўтарилди. Ёмғир савалаб турганига қарамай, редакцияга югурдим.

Кўп ўтмай ана шу шеърларим «Тошкент оқшоми» газетасида босилди. Бунда Саида опанинг саховатли қўллари борлигини эслаб, ҳали-ҳануз фахрланиб юраман.

Дарвоқе, мен бу салкам ўттиз йил муқаддам бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қиларканман, ҳеч кимга таъна тошларини отмоқчи ҳам, ҳеч кимдан норози эканлигимни изҳор қилмоқчи ҳам эмасман. Саида опанинг бир оғиз ширин сўзи, жиндек саъй-ҳаракати мени умрбод руҳлантириб келаётганини таъкидламоқчи эдим, холос.

Бугун халқимиз ардоқли шоираси, адибаси эрка қизи Саида Зуннунованинг етмиш йиллиги арафасида юқоридаги воқеани эсламасликка, у кишининг пок руҳи олдида таъзим қилмасликка асло ҳаққим йўқ, деб ўйлайман.

Шавкат ТУРОБ.

***Мен Турсунов кўчасидаги бу камтарин хонадонга кўп бора келганман. Мусиқамиз сардорларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев билан қизғин суҳбатларда бўлганман. Устанинг титроқ бармоқлари билан садафли ўйма рубобни қанчалар суюб, авайлаб ушлаганларининг гувоҳи бўлганман.***

***Бу гал юрагимда гул очаётган баҳор билан кириб келдим бу хонадонга. Ҳовлидаги ўриклар, олчалар, шафтолилар бўртибгина турибди. Устани овоз бериб йўқловдим, ичкаридан «келаверинг, ўғлим» деган овоз эшитилди. Ҳар галгидек устанинг қўлида рубоб, устол устида Чустийнинг Ватан ҳақидаги ғазали...***

***— Уста, «Баҳор вальси» ҳақида суҳбат қурсак...***

***— Майли, майли, аввал бир эшитиб кўринг...***

***Устанинг нохунни зўрға тутган бармоқлари рубоб торларига тегиши билан ширин садолар янгради: «дам-дам, дум, дам-дам дум, дам-дам, дум...» «Баҳор вальси»нинг ширин оҳанглари таралди. Ҳовлига қараб ўтирган эдим, назаримда ўриклар, олмалар гуллаб юбораётганга ўхшади.***

*Бир асар тарихи*

# «БАҲОР ВАЛЬСИ»



***Сиз суратда кўриб турганингиз чеҳралари баҳордек яшнаб турган раққосалар машҳур «Баҳор» рақс дастасининг қизларидир. Тўғри, уларнинг кўпчилиги ҳозир саҳна билан хайрлашган. Билим ва тажрибаларини ёш раққосаларга ўргатмоқдалар. Лекин 60-йилларда улар «Баҳор вальси»ни ижро этиб, эл олқишини олган эдилар.***

***(Биринчи марта эълон қилинмоқда).***

— Анча йиллар бўлди бунга. Мен концерт бригадасининг бошлиғи эдим. — гап бошлади Муҳаммаджон ака, — Водийда концерт беришга отландик. Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоевалар бор эди биз билан. Бир ойлар чамаси юрдик ижодий сафарларда. Фарғонада, Қўқонда, Наманганда бўлдик... Тошкентга қайтганимиздан кейин Мукаррама опа:

— Мирзаев, — дедилар. — Менга бир ажойиб куй яратиб беринг.

— Баҳай, тинчликми? — дедим.

— Беш-олтита қизлардан даста тузиб, рақс ўргатмоқчиман...

Хуллас, опанинг бу илтимоси эсимдан чиқиб кетибди. Орадан қанча вақт ўтди билмадим, опа яна сўраб қолдилар:

— Мирзаев, куйни битирдингизми?

— Йўқ, — дедим хижолат бўлиб, — узр, дарров тайёрлаб бераман.

— Шунақасизда, — дедилар опа, — биз сўрасак унутасиз-эй дарров...

Рости ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Ташқарига чиқиб кетаётсам, қозоғистонлик бир бола бор эди, ўша бир нимани ғўнғирлаб юрибди: «дам-дам дум, дам-дам дум».

— Тўхта, чироғим, — дедим. — Қанақа нарсани айтиб юрибсан ўзи?

— Бобом бахши, — деди у, — дўмбирада чалардилар, — ўшанинг куйини минғирлаб юраман.

Дарров изимга қайтдим. Юракда илҳом бирдек жўшиб кетди. Опани топдим:

— Эсимдан чиқибди, — дедим, — куйни тайёрлаган эканман.

Опа дарров қўлимга рубобни тутқазди:

— Қани, Мирзаев, бир эшитайлик-чи...

Илҳом келса бир йиллик юмуш бир лаҳзада ҳал бўлади дейишгани рост экан. Рубобни чертяпману ўзим ўйнаб кетай деяпман денг...

**...Торлар оҳанг таратади. Олис соболарга қўшилиб боғлар узра таралиб кетади.**

**— Уйғон, она табиат, уйғон, Баҳор келди!**

**Дов-дарахтлар шамолда енгилгина чайқалади: «қадамларига гуллар сочамиз Баҳорнинг!»**

**Оҳанг аста-аста ҳаволаниб булутларга ҳам етиб борди. Булутлар тўлиб турган эканми, кўз ёшлари қуюлди. Оҳангга мос садо берди томчилар: так-так тум, так-так тум».**

**Оҳанг эса ҳаволанади. Худди у гулларга ҳид, борлиққа яшил ранг улашаётгандек. Ёғдуларни худди нозик найзалардек отаётгандек...**

...Опа ҳайрат билан қўлларимга қараб турардилар.

— Мирзаев, бу жон офати куйининг оти нима?

— «Баҳор вальси», — дедим.

— Оҳ-оҳ, — дедилар опа, — аммо роса топибсиз. Илоҳим, қўлингиз дард кўрмасин, Мирзаев!

Ҳай десангиз, бу орада яна ижодий сафарга кетдим. Қайтиб келиб опадан хабар олсам қизлари беш-олтита бўлиб қолибди. Қундузхон Миркаримова, Тамара Юнусова, Дилором Шерова, Дилбар Абдуллаева, Валентина Романова, Раъно Низомова... Сал кунда 15-20 та бўлиб қолди опанинг қизлари. То «Баҳор вальси» рақс бўлиб саҳнага чиққунча қизлар 30-40 та бўлиб қолди. Даста шу тариқа тузилиб, номи «Баҳор» бўлиб кетди.

Опа «Баҳор вальси»ни жуда яхши кўрардилар. «Баҳор» дастаси концертни доимо шу вальс билан бошларди. Бу куй дастанинг ўзига хос ташриф қоғози бўлиб қолди.

«Баҳор вальси»нинг оҳанглари жаҳондаги барча миллат халқларига таниш десам лоф бўлмайди, укажон. Японияда, Францияда, кунчиқардан кун ботаргача шу куй янграганда қизларимиз билан минглаб одамлар рақс тушганининг гувоҳи бўлганман.

Ўғлим Шавкат Мирзаев чет эл сафаридан жуда таъсирланиб қайтиб келди. Уларнинг ижодий гуруҳини ҳамма ерда «Баҳор вальси» билан кутиб олиб, «Баҳор вальси» билан кузатиб қўйишибди...

**...Уста жим қолди. Унинг титроқ бармоқлари рубоб торларини оҳиста сийпаларди. Чунки «Баҳор вальси» ана шу торларда дунёга келганда!**

**Умрининг 86-баҳорини кутиб олган уста ҳозир ҳам тиним билмайди. «Бандаликни бажо келтирсам, рубобим қорним устида қолса керак, — деди у хаёлчан. — «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловига бир қўшиқ тайёрлаяпман... Юрак қурғур тинчимайди-да».**

**Шу лаҳзада «Баҳор вальси»дек ўлмас, дилбар куйни яратган устанинг бармоқларини ҳам, рубоб торларини ҳам ўпгим келди. «Баҳор вальси» устанинг ҳам, ана шу торларнинг ҳам ҳайкали. Мусиқий ҳайкали... Ташқари чиқаётиб ҳовлидаги дарахтларга кўз ташладим. Назаримда «Баҳор вальси»нинг оҳанглари бўртган куртаклар устида парвона бўлаётгандек эди:**

**— Уйғона қолинглар, Баҳор келди, Баҳор!**

Темур УБАЙДУЛЛО.

*Сиз кутган учрашув*

# ЮРТИМ ШУҲРАТИН ТАРАТСАМ ДЕЙМАН

***Қўшиқ янграмоқда:***

***Ватандин айри кўнгилни, билингки яйратиб бўлмас,***
***Ба айни банди булбулни, чамансиз сайратиб бўлмас.***

***Уни ҳар гал тинглар эканмиз шу азиз заминга, муборак тупроққа муҳаббатимиз яна ва яна жўш ураверади. Зеро, санъаткор ҳам озод Ватанга, ҳур диёрга бўлган меҳрини ана шу қўшиқ орқали барчамизга улаша олган.***

***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова ҳали ёш бўлишига қарамай ўзбек қўшиқчилигида ялт этиб намоён бўлган истеъдод соҳибидир. Унинг жарангдор ва сеҳрли овозига нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик санъат шинавандалари ҳам мафтун бўлишган. «Ватан», «Дўстлик вальси», «Кашмирида» каби қўшиқлари мухлислар учун жуда ардоқлидир.***

**— Муяссар опа, қўшиқларингизнинг барчаси мухлислар дилини ром эта олгану, аммо Ватан ҳақидаги қўшиқларни ўзгача кўтаринкилик, фахр, шукуҳ ила ижро этасиз...**

— Шу буюк халқ, шу азиз Ватан фарзанди эканимдан беҳад фахрланаман. Дастлабки ижро этган қўшиқларим ҳам Ватан ҳақида эди. «Тўйларинг муборак, Ўзбекистоним» қўшиғини катта ҳаяжон билан ижро этганман. Ахир шундай жаннатмакон юртни севмайин бўладими?! Жонажон Ўзбекистонимизга бўлган меҳрим қўшиқларимда ҳам ифодаланиб, яққол сезилиб туришига асосий сабаб ҳам шу бўлса керак.

**— Кечирасизу, лекин сизни айримлар халқ артисти Раззоқ Ҳамроевнинг қизлари ёки набиралари деб ҳисоблайди.**

— Таниқли санъаткор Раззоқ Ҳамроевнинг ижодини жуда қадрлайман. Аммо у кишининг қизлари ҳам, набиралари ҳам эмасман. Оиламизда санъаткорлар умуман йўқ эди. Ҳаммалари олий маълумотли, элнинг ҳалол хизматидаги инсонлар бўлишган. Менинг истеъдодимни илк бор ойимлар пайқаганлар. Ўшанда 7 ёшлар чамасидаги қизча эдим. Мактабдаги драма тўгарагига катта опам қатнарди. Улар хиргойи қилиб юрган ашулани мен ҳам айтиб юрардим. Ойимнинг маслаҳатлари билан тўгарак раҳбари ҳузурида ашула ижро қилгандим, овозим унга жуда маъқул келиб қолган. Мактабдаги кечалар, тадбирларда жон деб қатнашар эдим. Кейинчалик «Санъат ғунчалари», «Марҳабо, талантлар!» каби танловларда иштирок этдим. Мактабни тамомлаб Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Устозларим Саодат Қобулова ҳамда Розалинда Лаудлардан кўп нарсани ўргандим. Опера қўшиқларини жуда ёқтирардим. Барсов деган профессор овозимни текширди-да, мени тезлик билан опера бўлимига олишди.

**Муяссар Раззоқова консерваториянинг IV босқичида таълим олаётган кезларида унинг иқтидорини, овози имкониятларини сезиб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат Академик Катта театрига ишга таклиф этишади. Ўқув жараёни, илк ижодий меҳнат, бунинг устига Венгрия, Болтиқбўйи давлатларидаги танловларни айтмайсизми. 1995 йилнинг сентябрь ойида у Франческо Сфорца режиссёрлигида «Лючия де леммермур» саҳна асаридаги арияларни итальян тилида ижро этади. Хорижликлар Муяссарни тинглаб ҳайратда қоладилар. Энди уни Италиядаги Жаҳон опечиларининг халқаро фестивалига таклиф этишди.**



— Айримлар операни иккинчи даражали деб биладилар. Бу назаримда жуда нотўғри фикр, — дейди санъаткор. — Эҳтимол ўшалар классик мусиқани, умуман мусиқанинг асл моҳиятини тушуниб етмаган бўлиши мумкин. Лекин классик куй-қўшиқ берган озуқа ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ахир у беш асрдан буён жаҳон халқлари эъзозида-ку. Ўзим гарчи замонавий қўшиқлар, мақом йўлидаги мумтоз дурдона ашулаларни ҳам айта олсам-да, барибир опера санъатига ихлосим баланд. Сабаби, халқ мени шу опера орқали таниди.

**— Қайси бастакор ва шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?**

— Бастакорлардан Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Шоҳида Шоҳимардонова, шоирлардан Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаевлар билан кўпроқ ижодий мулоқотда бўламан.

**Санъатнинг йўли ниҳоятда сермашаққат, Муяссар Раззоқова яқинда «Дилором» операсидаги жуда мураккаб, бош партияни ижро этди. 35 йилдан кейин ушбу асар яна саҳна юзини кўрди! Унинг эса сира тиними йўқ. Ахир учта халқаро танловнинг ғолиби бўлиш учун озмунча меҳнат, машаққат зарурми! 1993 йили ҳукуматимиз Муяссарнинг фидокорона меҳнатларини муносиб тақдирлади. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.**

**— Келгуси режаларингиз қандай?**

— Санъаткор ҳаммавақт меҳнат қилиши, ўз устида ишлаши лозим. Мақсади йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмаслиги керак. Анқарадаги «Буюк опера театри»да ишлаш учун таклиф этилдим. Франция сафари учун ҳам дастур тузяпман. Бўш вақтим йўқ ҳисобида. Театрдаги репетициялар, ойнаижаҳон учун суратга тушиш, радиодаги овоз ёзиш студияси... Ундан ташқари Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Республика Ёзувчилар уюшмаси билан ижодий ҳамкорлик... Озгина вақт топсам жисмоний машқлар, югуришга сарфлайман. Чунки овозимнинг мароми мувозанатида уларнинг катта аҳамияти бор-да. Баъзан жаҳон классикларини мутолаа қиламан, шахмат ўйнайман.

**— Орзуларингиз...**

— Чўққига етдим деган ижодкор қаттиқ янглишади. Олдинда ҳали қанча-қанча режалар бор. Жаҳон опера юлдузлари билан биргаликда қўшиқ айтиб, она Ўзбекистон шуҳратини оламга ёйсам дейман. Ўзбек операсини дунё халқларига намойиш этиш орзусидаман!

Назокат УСМОНОВА суҳбатлашди.

